

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ ДЎСТЛАР!



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 219 (3191).

Якшанба, 7 ноябрь 1965 йил.

Баҳоси 2 тийин.

МОСКВАДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Кремлдаги Съездлар саройида 6 ноябрда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 48 йиллигини байрам қилишга бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Мажлис Президиумида Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари бор эди.

Мажлисни меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский шонли санага бағишланган доклад қилди.

(ТАСС).

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 6 ноябрда Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Куба Революцион ҳукумати бош министрининг ўринбосари, Куба Республикаси революцион курулли кучларининг министри ўртоқ Рауль Кастро Русени қабул қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ Р. Кастро Рус ўртасида дўстона, самимий суҳбат бўлди.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. И. Микоян 6 ноябрда Кремлда депутатлар палатасининг раиси Зухенно Бальс-терос бошчилигидаги Чили Миллий конгресси делегациясини қабул қилди. Чилининг Совет Иттифоқидаги элчиси Максимо Пачеко Гомес делегацияга ҳамроҳ бўлди.

Ватанига қайтаётган, Москвада меҳмон бўлиб турган депутатлар палатаси раисининг ўринбосари Хосе Мануэль Исла бошчилигидаги парламент делегациясининг аъзолари ҳам бор эди.

Суҳбат дўстона вазиётда ўтди.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг ФАРМОНИ

СССР Олий Советини ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

СССР олтинчи чақириқ Олий Советининг еттинчи сессияси 1965 йил 7 декабрда Москва шаҳрида чақириلسин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1965 йил, 5 ноябрь.

ЯШАСИН

ОКтяБРНИНГ

48

ЙИЛЛИГИ

УЛУҒ ОКтяБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҚИРҚ САККИЗ ЙИЛЛИГИ

Кремлнинг Съездлар саройида 1965 йил 6 ноябрдаги тантанали мажлисда

ўртоқ Д. С. ПОЛЯНСКИЙ доклади

Азиз ўртоқлар!

Совет давлати вужудга келганидан бери Ватанимиз халқлари, бутун дунё меҳнаткашлари ўзларининг энг катта байрамларини — Октябр, социалистик революциясининг кунини ҳар йил алоҳида ҳурсадлик билан нишонлаб келмоқдалар.

Ленин бошчилиги қилган коммунистлар партияси Россия ишчилари ва деҳқонларини капитализмга зафарли штурмга бошлаган кунлардан бери орадан 48 йил ўтиб кетди. Уш штурм революциянинг қудратли тўққини эди. Бу революцион тўққини эксплуатацияга асосланган тузумни ағдариб ташлади. Янги тинчдаги давлат — социалистик давлат пайдо бўлди. Қўй миллатли Россия халқлари учун, бутун инсоният учун янги тонг отди, тарихнинг янги саҳифаси очилди.

Вақт ўтган сари биз ана шу улуг санадан тобора узоқлашмоқдамиз. Лекин унинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти тобора равшанроқ бўлиб қолмоқда. Зафарли социализм мамлакатга бўлган Совет Иттифоқи эндиликда бамисоли асим тоғ бўлиб турибди. Бошқа қўшғина давлатлар биздан ўрнат олиб социализм қурмоқдалар. Имперализмнинг мустамлакачилик системасини емириш миллий озодлик ҳаракатининг зарбалари остида поёнига

етказилмоқда. Меҳнаткашларнинг илгор отрядлари бўлган коммунистик ва ишчи партиялар ўсиб бормоқда, тинчлик ишнинг актив ҳимоячилари сафи кўпайиб бормоқда. Эндиликда ҳозирги замон жамияти ривожланишининг бош йўлини ва хусусиятларини капитализм эмас, балки жаҳон социализм системаси, ҳамда империалистик зулмга қарши курашётган халқлар белгилаб бормоқда. буржуазия эмас, балки жамиятнинг социалистик қайта қуриш учун курашётган халқаро ишчилар синфи кучлари белгилаб бормоқда.

Совет кишилари бутун мана шу вақт давомида Ватан қудратини мустаҳкамлаш ва энг яхши турмуш учун тинмай қизғин кураш олиб бордилар. Ватанин душманлардан ҳамон йилмоқ учун жуда катта куч ва гайрат сарфлашга тўғри келди. Октябрнинг қирқ саккизинчи йили, аввало, шу жиҳатдан асосий йилдирки, бу йил муҳим давр — халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик даври тугалланади. Коммунистик партия белгилаб берган катта иқтисодий ислохотларни, мамлакатга раҳбарлик қилиш услубини ва методларини такомиллаштириш режаларини амалга ошириш йўлида катта иш бошлаб юборилди.

Октябр революциясидан кейин босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, партиямиз, бутун совет халқининг революция иши мустаҳкамланганлигини ва кўпайтирилганлигини, биринчи бўлиб социализмни қуришдан иборат тарихий вазифа бизнинг зиммасига тушганлигини билан ҳақли равишда фخرланадилар. Ижтимоий турмуш

1. ОКтяБРЬ ИДЕЯЛАРИНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК КУЧИ

Одат бўлиб қолган яхши традицияга кўра, Октябр байрам кунларида совет халқи ўзи бажарган ишларни йиқилайди, ўзининг кўп қиррали фаолиятининг сиёсий ва хўжалик натижаларини анализ қилиб чиқади. Бу эса, Октябр — идеяларнинг яратувчилик кучини, бундан буюнги ривожланишнинг истиқболларини тагин ҳам ахшироқ кўриб туришимизга имкон беради. Бу эса, Коммунистик партиямиз Ленинча сиёсатининг тўғрилигига ва буоқлигига бўлган ишончимизни тагин ҳам кўпроқ қучайтиради.

Қолақ Россияни қудратли илдустрал ва кўлхоз давлатига, юксак маданиятли мамлакатга

айлантириш тўғрисида Ленин ишчи-лаб чиққан программани амалга ошириш, маълумки, халқнинг рол катта, ҳақиқатан ҳам жуда зўр куч ва гайрат сарфлашини талаб қилди.

1917 йилнинг октябрида ҳокимиятни қўлга олиш мураккаб вазифа бўлган эди, лекин контр-революция ва интервенциячиларга қарши олиб борилган жангларда бу ҳокимиятни қўлга сақлаб қолиш тагин ҳам мураккаброқ иш бўлиб қолди. Совет ҳокимиятини қўлга сақлаб қолиш қийин иш эди, лекин Россия сингари мамлакатда четдан иқтисодий ёрдам олмай, душман қуролини да туриб қудратли саноат вужуд

га келтириш, қишлоқ хўжалигини қайта қуриш бундан ҳам кўра қийинроқ иш бўлди. Совет кишилари бу вазифаларнинг уaldasидан чиқдилар. Улар Ватан мустақиллигини таъминламоқ, ижтимоий бойлиқни ўстиришга ва турмушни яхшилашга керакли мустаҳкам негизни барқарор қилмоқ учун қурбонлар беришдан ва маҳрумликларга чидашдан қайтмадилар. Ишчи ва деҳқонлар меҳнаткаш энгиллар билан биргаликда Коммунистик партия кўрсатган йўлдан борганликлар, партиянинг социализм қуриш программасини ўзларининг жонажон ишлари деб қабул қилганликларини учун бу вазифанинг уaldasидан чиқа олдилар. Халқимизнинг ўз партияси раҳбарлигида талаб олган йўли бирдан-бир тўғри йўл эканлигини тарих кўрсатди.

(Давоми иккинчи бетда).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА

ПАХТА ТАЙЕРАЛИНИНГ

БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

6 НОЯБРГАЧА

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Масъум бош-дан бери
Оржоникидзе	0,26	124,41
Оқдўғрон	0,05	115,56
Ўрта Чирчиқ	0,04	114,70
Ойори Чирчиқ	0,10	113,36
Калинин	0,10	112,27
Бўжа	0,05	109,69
Янгийўл	0,19	107,86
Бекобод	0,16	103,31

Область бўйича: 0,10 111,55

766 МИНГ ТОННА АНДИЖОН ПАХТАСИ ТАЙЁР

«Оқ олтин» етиштириш бўйича мамлакатда етакчи область — Андижон области деҳқонлари ўзларининг етти йиллигининг охириги йили программасини муваффақиятлан бажариш учун бошланган мусобақада кўлга киритган шонли меҳнат галабаси тўғрисида Ватанга рапорт бермоқдалар. Область кўлхоз ва совхозлари 766 минг тонна пахта топширди. Давлат план-закази бажарилиди. Андижонликлар ўзларининг бу улкан муваффақиятини КПССнинг бўлажак XXIII съездига бағиш-ламоқдалар.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва ижроия комитети районлар, кўлхозлар ва совхозларда ноябрь ойининг биринчи беш кунлиги давомида шудгорлашнинг бориши аъёнларини кўриб чиқиб қарор қилдилар.

Область партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини Оқдўғрон районидаги Берилсин, (район партия комитетининг секретари Тонров, район ижроия комитетининг раиси Юнусов, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Собназаров, район комсомол комитети секретари Одилов, «Узсельхозтехника» район бўлими бошқарувчиси Рогачев ўртоқлар). Район ўтган беш кун ичида шудгор қилиш плавини 9,7 процент, йиллик шудгор қилиш плавини 33,3 процент қилиб бажарди.

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидан олинб берилди.

Шудгорлашда Оржоникидзе ва Ўрта Чирчиқ районлари кўлхоз ва совхозларининг яхши ишлаганликларини қайд қилинсин.

Область партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини Оқдўғрон районидagi «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозига берилсин. (Совхоз директори Мансуров, партия ташкилоты секретари Пан, ишчилар комитетининг раиси Алиев, комсомол ташкилоты

нинг секретари Пушчев, бош агроном Бакули, бош инженер Хайдаров ўртоқлари). Совхоз беш кунлиги ичида шудгор қилиш плавини 14,1 процент қилиб бажарилишга эришди, йиллик плавини 21,1 процент бажарди.

Шудгорлашда Бўжа районидagi 2. «Пискент» совхозининг яхши ишлаганлиги қайд қилинсин.

Область партия комитети ва ижроия комитети кўчма Қизил байроғини Оқдўғрон районидagi Карл Маркс номли кўлхозга берилсин. (кўлхоз раиси Югай, партия ташкилотининг секретари Жангабоев, комсомол комитетининг секретари Тур-сунов, бош агроном Сулаймонов, бош инженер Бобочулов ўртоқлари). Кўлхоз беш кун ичида шудгор қилиш плавини 33 процент қилиб бажарилишга эришди ҳамда йиллик плавини 42,9 процент қилиб бажарди.

Байроқ Калинин районидagi Орик. анидазе номли кўлхоздан олиб берилсин.

Бўжа районидagi «Коммунизм» ва Калинин районидagi С. Рахимов номли кўлхозларда шудгорлаш иши яхши ташкил этилгани қайд қилинсин.

РЕВОЛЮЦИОН ҲАРАКАТ ВЕТЕРАНЛАРИ БЎЛГАН ВЕНГЕР ГРАЖДАНЛАРИ МУКОФОТЛАНДИ

СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1965 йил 5 ноябрдаги фармони билан Улуғ Октябрь Социалистик революциясига актив иштирок этганлиги учун, Россиядаги граждaнлар урушин ва чет эл интервенцияси йилларида Совет ҳокимиятини ҳимоя қилишда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун, шунингдек совет ва венгер халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлиқни мустаҳкам

лашдаги хизматлари учун Венгрия Халқ Республикаси граждaнларида бир гуруҳласини мукофотлади. Ференц Мюллик Ленин ордени билан Рудольф Герашини ва Геза Ревес Қизил Байроқ ордени билан мукофотландилар. Қизил Юлдуз ордени билан 4 киши, «Жангавар хизматлар учун» медала билан 14 киши мукофотланди.

(ТАСС).

ПАХТАМИЗ 3.730.000

ТОННАДАН ОШДИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИМИЗ ҲАМ ШАРАФ
БИЛАН БАЖАРИЛДИ, ДЕЙДИГАН ҚУВОНЧЛИ КҮН ЯҚИН!



